СУВЕНИРЛИК ВА НОШИР МАТБУОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИНСТИТУТИ КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 12 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 70 (10.627) Баҳоси эркин нархда

ЯҚИНДА ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНА ИККИТА ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ. ЭНГ ҚУВОНАРЛИСИ ЭСА «МУРУВВАТ – ТЕКС» КОРХОНАЛАРИНИНГ ИЛК МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖИЙ МИЖОЗЛАР – ГОЛЛАНДИЯ ДАВЛАТИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА.





Мустақиллик мевалари

«МУРУВВАТ – ТЕКС»: ИККИТА ТИКУВ КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Ушбу корхоналарнинг фаолият бошлаши натижасида шаҳримизнинг «Қоратош» мавзесида жойлашган «Чақар», «Қоратош», «Чорсу», «Гулбозор», «Хадра» ҳамда «Самарқанд дарвоза» маҳаллаларида яшовчи 600 нафардан зиёд аҳоли, асосан ёшлар иш билан таъминланди.

«Қоратош» мавзесида очилган тикув фабрикасининг умумий майдони 2160 квадрат метрни ташкил этиб, смета нархи 853,2 миллион сўмни ташкил этади. Қиймати 527 минг АҚШ долларига тенг бўлган замонавий хорижий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада меҳнат унумдорлиги соатига 625 дона маҳсулотни ташкил этади. Айниқса, корхонанинг нақш солиш цехига ўрнатилган Япониянинг «TAJIMA» дастгоҳи маҳсулотга безак беришда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда уларни ёш ишчилар бемалол бошқаришмоқда.

Фабрикада турли трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, улар учун хом ашё пойтахтимиздаги «Байтекс тижарет» хорижий ҳамда Чирчиқдаги «Бурсель» қўшма корхоналаридан олинади. Албатта, маҳсулотни тайёрлашдан олдин бичиш цехига ўрнатилган мато сифатини текширувчи дастгоҳ ёрдамда хом ашё кўрикдан ўтказилади. Тикув цехида эса иш поток усулида ташкил этилганлиги сифат ва самарадорликда муҳим аҳамият касб этади.

— Корхонамизда маҳаллий хом ашёдан аёллар ва эркаклар, асосан ўсмирлар ва болалар учун мўлжалланган жаҳон андозалари даражасидаги трикотаж кийим-кечакларни тайёрлаймиз, — дейди корхона директорининг кадрлар масалалари бўйича ўринбосари Фотима Исмоилова. — Ишлаб чиқариш қувватимиз кунига 5 минг, ойига 130 минг, йилига 1,5 миллион донадан ортиқ маҳсулот тайёрлашни ташкил этади. Энг муҳими эса жаҳон андозалари даражасига тўла жавоб берувчи маҳсулотларимиз шартнома асосида тўғридан тўғри Австрия, Бельгия, Германия ва Голландия давлатларига экспорт қилинади. Маркетинг бўлими ходимларининг изчил саъй-ҳаракатлари асосида ҳозирги кунда модельерларимиз томонидан яратилган 15 турдаги кийим-кечакларимиз харидорларга етказиб берилмоқда.

— Мана шундай замонавий дастгоҳларни бошқариб, сифатли кийим-кечакларни нафақат ўз харидорларимизга манзур этиш, балки жаҳон бозорига чиқаришга ҳисса қўшиш бизни мамнун этади, — дейди ўраш цехи устаси Ораста Холматова. — Яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг барчаси мамнун. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги яқин-атрофдаги маҳаллаларда яшашади.

Корхона ишчи-хизматчилари 3 маҳал овқат билан таъминланиб, (бунинг учун 100 ўринли ошхона уларнинг хизматида) тикувчиларнинг ўртача иш ҳақи 80-100 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, ишчи-хизматчилар учун ювиниш ва кийиниш хоналари барча қулайликларни ўзида жамлаган.



«Самарқанд дарвоза» маҳалласида иш бошлаган иккинчи фабрикада ҳам яқин атрофдаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 250 нафар фуқароси учун иш ўринлари яратилди. Бунинг учун маҳаллалар билан ҳамкорликда ишчилар танлов асосида кўрикдан ўтишди.



Шуниси эътиборлики, ушбу корхона ички сармоялар ҳисобига 40 кун муддат мобайнида қуриб битказилиб, хорижнинг энг замонавий дастгоҳ ва ускуналари асосида жиҳозланди. Жаҳоннинг кўзга кўринган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқарадиган фирмаларидан 600 минг АҚШ долларилик тикув, бичув, дазмол босиш ҳамда бошқа энг замонавий ускуналар келтирилди. Япониядан келтирилган 159 та «JUKI» тикув машиналари эса бир қанча афзалликлари билан сифатли маҳсулот тайёрлашда қўл келмоқда.

— Асосий мақсадимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида яшовчи аҳолини, асосан ёшларни, аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, Ўзбекистон бозорини энг сифатли ва арзон трикотаж маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида жаҳон харидорлари талабини қондирадиган кийим-кечакларимизни бир неча баробар қимматга экспорт қилишдир, — дейди корхона раҳбари Ҳожимурод Раҳимов. — Бу, албатта четга валюта чиқиб кетишини чегаралаб, иқтисодиётимиз ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ички бозорни, шунинг баробарида жаҳон бозорини чуқур ўргандик ва шу асосда иш бошладик. Аммо маркетинг ишларини бир зум ҳам бўшаштирмасликка ҳаракат қиламиз. Негаки маркетингни яхши йўлга қўйиш ишимиз ривожида бош омил саналади.

Корхонанинг маркетинг, экспорт-импорт бўлими тажрибали мутахассислари Қозоғистон, Хитой, Япония, Германия, Россия ва бошқа кўпгина хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса «До-до» савдо белгиси остида «Мурувват-текс»: Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан экспортга чиқарилади.

— Ушбу корхонада меҳнат қилаётганим мен учун ҳар томонлама қулай бўлди, — дейди «Самарқанд дарвоза» маҳалласида яшовчи тикувчи Наргиза Дадамуҳамедова.—Ҳам уйимга яқин, ҳам барча шароитлар муҳайё. Муҳими эса маҳсулотларимиз жуда сифатли.

Маҳсулотни бичишдан тортиб тикиш, дазмол босиш, ўраш, сифатини текшириш — барча-барчаси қатъий назорат остига олиниши — унинг рақобатбардошлигини таъминлашда, буюртмаларнинг кўпайишида катта роль ўйнайди. Кийим-кечаклар корхонанинг «До-до» фирма дўконлари ҳамда «Чилонзор», «Чорсу», «Кадишев» буюм бозорларидаги савдо шохобчаларида харидорларимизга сотилмоқда. Келгусида эса ички бозорда фирма дўконлари сонини кўпайтириш кўзда тутилган.

Эндигина иш бошлаганига қарамай, илк маҳсулотларини жаҳон харидорларига тортиқ этаётган «Мурувват-текс» тадбиркорлари келгусида ўз корхоналарини республикамиз вилоятларида ҳам очишни ният қилишган. Энг эзгу ният эса «До-до» савдо белгиси остида тайёрланаётган маҳсулотлар орқали корхона жаҳонда танилсин, дунё бозорида ўрни беқиёс бўлсин.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: янги иш бошлаган иккита тикувчилик фабрикаси меҳнат фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.А.ГОЛИШЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Б.А.ХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ботир Асадиллаевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

В.А.ГОЛИШЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ - ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРИ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МАЖМУАСИ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Вячеслав Аркадьевич Голишев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 11 апрель

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТДА** эндокринологларнинг конференцияси уюштирилиб, унда қандли диабет хасталигини даволашнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида уюштирилган анжуман яқинда ёшлар ўртасида бошланадиган компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатини бекаму кўст ўтказиш масаласига бағишланди.

● **ҲОМИЙЛАР** ва шифокорлар йили муносабати билан Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида уюштирилган ҳайрия тадбирида кам таъминланган оилалар аъзоларига мутасаддиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида транспорт хизматини янада яхшилаш масаласига бағишлаб уюштирилган тадбирда туман фаоллари, автосаройлар, автокорхоналар вакиллари иштирок этишди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида ўзбек киноижодкорлари томонидан яратилган «Ўткинчи бахт» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** ўқувчилар саройида иқтидорли ёшлар иштирокида ракета моделини ясаш бўйича чемпионат ташкил этилди.

● **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида талабалар, ўқитувчилар, фаол хотин-қизлар иштирокида ўтказилган «Маънавият куни» тадбири Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** «Азамат», «Гулзор», «Ўзбекистон», Авайхон, «Турон», Амир Темур маҳаллаларида ўтказилган аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбатларида маҳаллалар фаоллари, ёшлар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг VII сессияси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига оид масалалар муҳокама қилинди. Сессия ишида бир қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам қатнашди.

● Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда тиббиётга оила шифокори йўналишини татбиқ этиш борасидаги ишларнинг аҳволи, бу борадаги фаолиятни янада яхшилаш юзасидан долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

● Марказий Офицерлар уйида тиббий-ижтимоий патронаж тизимининг фахрийлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек тизим амалиётига ҳисса қўшган бир гуруҳ фаоллар иштирокида тиббий-ижтимоий патронаж тизимининг ўн йиллиги муносабати билан анжуман ташкил этилди.

● Тошкентдаги «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасида Бутунжаҳон Саломатлик куни муносабати билан «Спорт, экология ва саломатлик» шиори остида талабалар марафони ўтказилди. Унда пойтахтда таҳсил олаётган талабалар билан бирга фахрийлар ҳам иштирок этишди.

● «Ўзбек қоракўли» компанияси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 450 минг долларликдан ортиқ маҳсулот экспорт қилинди. Йил охирига қадар компания бу кўрсаткични 2 миллион долларга етказишни режалаштирмоқда. Ҳозирда «Ўзбек қоракўли» ўз маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланган Россия Федерациясининг Москва ва Қозон шаҳарларида иккита савдо уйини очишни кўзда тутмоқда.

● Амударё туманида «Тўлқин-элита» номли хусусий илмий-ишлаб чиқариш агрофирмаси ташкил этилди. Фирманинг асосий фаолият йўналиши маҳаллий ер- муҳит шароитларига мос келувчи ғўзанинг «Амударё-258» тезпишар навининг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш, шунингдек, Оролбўйи минтақасида уруғчилик технологиясини такомиллаштиришдир.

● Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда «Халқ ижодиёти поезди»ни ташкил этди. Унинг йўловчилари бадиий ҳаваскорлик театр жамоалари, фольклор-этнографик ансамблар иштирокчилари, қўшиқчи ва бахшилардан иборат. Поезд дастлаб Сирдарё вилоятида бўлади. Сўнг унинг концертлари, театрлаштирилган томошалари Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида ўтказилади.

● Юқоричирчиқ туманининг «Гулистон» ширкат хўжалигида ғўза экиш ишлари якунланмоқда. Ҳозирда бу ерда 900 гектардан ортиқ майдонда ғўзанинг «С 65-24» нави экилди.

ЖАҲОНДА

● Маълумки, бундан икки ҳафта муқаддам Украинада парламент сайловлари бўлиб ўтган эди. Кеча Марказий сайлов комиссияси унинг натижаларини расман эълон қилди. Таъкидлаш жоизки мухолифатдаги Виктор Янукович етакчилик қилаётган «Партия регионов» сайловда 32,14 фоиз овоз олиб Олий Радада энг кўп ўринни эгаллади. Амалдаги Президент В.Ющченко етакчилигидаги «Наша Украина» партиясига эса учинчи ўрин насиб этди.

● Латвия, Литва ва Эстония ҳамкорликда Литвада атом станциясини бунёд этиш тўғрисида келишиб олишди. Бу тўғридаги қарор уч Болтиқбўйи республикаси ҳукуматлари бошлиқларининг учрашувида қабул қилинди. Келишувга кўра атом электр станцияси 2015 йилгача қуриб битказилади.

● Италия парламенти учун бўлиб ўтган сайловнинг дастлабки расмий натижалари эълон қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, унда Романо Проди бошчилик қилаётган сўл марказчилар коалицияси 49,8 фоиз овоз олиб, жуда кичик фарқ билан ғалаба қилди. Сильвио Берлускони коалицияси эса 49,7 фоиз овоз тўплади. Берлускони рақиблари ғалабасини тан олганлиги тўғрисидаги баёнот билан чиқди.

● Эфиопиянинг Жибути порти яқинида паромнинг ҳалокатга учраши оқибатида камида 70 киши ҳаётдан кўз юмди. Маълумотларга қараганда чўкиб кетган паром бортида 250 дан 400 нафаргача йўловчи бўлган. Тахминларга кўра кема юк йўловчиларнинг кўплиги сабабли тўнтарилиб кетган.

● Ҳиндистоннинг Мирут шаҳридаги савдо ярмаркасида чиққан ёнғин 45 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 50 дан ортиқ киши тан жароҳатларини олди. Маълумотларга кўра ёнғин электр симларининг қисқа туташувидан келиб чиққан.

● Японияда янги электромобиль — жуда қулай ва тежамкор бир кишилик машинанинг тақдимоти ўтказилди. Уни ҳатто ўсмирлар ҳам бошқариши мумкин. Янги машинанинг қулайлиги сабабли уни келажак автоулови деб тавсифламоқдалар.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 13 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 13-15 даража иссиқ бўлади.

ТАДБИРКОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТЕКШИРИШЛАР СОНИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ЭТИЛИШИ УЧУН НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН БЎЛИБ, УШБУ ФАРМОН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА БЕКТЕМИР ТУМАНИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАШ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ҲАМ КЎПГИНА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Фармон ва ижро

АМАЛИЙ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ

Фармоннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниш ва уни амалда ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида, шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармасида, шаҳар Адлия бошқармасида ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг Бектемир туман ҳудудий комиссиясида текширишга масъул ходимлар иштирокида семинарлар бўлиб ўтди. Ўтказилган семинарларда давлатимиз иқтисодиёти ривожида тадбиркорларнинг улушини ошириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига кенг йўл очиб бериш,уларнинг иш фаолиятларига ноқонуний аралашмаслик, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса уч йилда бир марта режа асосида текшириш, янги очилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар рўйхатга олинган кундан бошлаб икки йил давомида режа асосида текширмаслик хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди, назорат органлари мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарни қоплаган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида ҳам огоҳлантирилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бўлимимиздаги текширишларга масъул ходимлар Фармон ижросини таъминлаш мақсадида билим савияларини ошириш ҳамда текширишларга чиқиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш учун аттестациядан ўтказилди ва текширишларга чиқиш учун махсус гувоҳномалар олдилар. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида 2005 йилнинг 4-чорагида 2006 йилда текшириш учун бўюртма берилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳужжатга асосан қайта кўриб чиқилди.

Текширишларни қисқартириш, унинг тизимини такомиллаштириш, текширишлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2005 йилнинг 1-чорагида 3 та хўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказилган бўлса, 2006 йилнинг 1-чорагида 1 та хўжалик юритувчи субъект текширилди. Ўтказилган текширув натижаси ва текширув қонунда белгиланган муддатларда ўтказилганлиги, режадан ташқари текширишлар олиб борилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳар ой якунлари бўйича Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Бектемир туман ҳудудий комиссиясига ҳамда шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармасига маълумотлар берилди. Шу билан биргаликда ҳозирда Фармон ижросини тўлиқ таъминлаш, меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан туман ҳудудий комиссияси билан ўзаро мулоқотда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Мансур ТОЛИПОВ,
Бектемир туман меҳнат бўлими раҳбари

Иқтисодиёт

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ПГС» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗГА НАФАҚАТ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШДА, НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА, БАЛКИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАШДА ҲАМ КАТТА ЁРДАМ БЕРИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

Корхонада бозорни ўрганиш, тадбиркорлар имкониятини ҳисобга олиш натижасида тайёрланаётган маҳсулот турлари ва рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Энг муҳими, четдан келтириладиган мана шундай товарлардан бирмунча арзон, лекин улар билан бемалол рақобатлаша оладиган корхона маҳсулотларининг кафолат муддатлари ҳам бор.

Кичик корхоналар учун новвойхона, электрқозон ва қўралар, иситгичлар, сауна учун жиҳозлар, электр сандал, электр массаж каравотлар ва бошқа кўплаб турдаги «ПГС» маҳсулотлари республикамизнинг барча вилоятларида ўз харидорларига эга бўлиб, ҳозирда қўшни давлатлардан ҳам ушбу товарларга буюртмалар тушмоқда.

— Маҳсулотимиз турларини кўпайтирар эканмиз, — дейди тадбиркор раҳбар Полянте Свешников, — албатта истеъмолчи таклиф ва мулоҳазаларидан келиб чиқамиз, сифатига эътибор қаратамиз. Биз тайёрлаган ускуналаримиз экологик тоза, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда ниҳоятда қўл келади. Масалан, электр қўра ва ўчоқларимиз умумий овқатланиш шохобчаларида ниҳоятда қўл келади. Шу билан бирга электр энергиясини бир неча бор тежаши билан ҳам ажралиб туради.

Ана шу боис бўлса керак хусусий корхона маҳсулотларига кўплаб фирмалар харидор бўлишмоқда.

ТАБИИЙ ШАРБАТЛАР

СЕРҚУЁШ ЮРТИМИЗ СОҲИБКОРУ БОҒБОНЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТИШТИРИЛГАН ШИРИН-ШАКАР МЕВАЮ САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ОРАСИДА «TIP-TOP» МАРКАЛИ ТАБИИЙ ШАРБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ БОРКИ, УЛАР ХАРИДОРГИРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Ушбу табиий шарбатлар замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган «Marvel juice Co» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлари эътибор қозонаётган корхона юртимизда хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар боис 1997 йилда Ўзбекистон ва Швейцария давлатлари ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган.

Албатта, сифатли хом ашёдан тайёрланган маҳсулот харидоргирлиги билан ажралиб туради. «Tip-Top» маркали табиий шарбат ва ичимликлар ҳам мамлакатимиз сархил меваю сабзавотларидан тайёрланаётгани туфайли ўзининг алоҳида таъми ва сифатига эга.

Бугунги кунга келиб корхона тадбиркорлари томонидан 11 турдаги «Тетро пак» идишларида қадоқланган табиий шарбат ҳамда пластмасса идишларда 6 турдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида эса Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам талаб ортиб бораётган корхона маҳсулотларининг турларини кўпайтириш кўзда тутилган. Унинг цехларида йилига 20 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишланаётган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Энг асосийси эса ҳам ички, ҳам ташқи бозорда маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Шарофат БАҲРОМОВА

Ҳамкорлик

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК, ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ТАЖРИБА АЛМАШИШ, ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Маълумки, жорий йил 7-14 март кунлари Францияда бўлган пойтахтимизнинг бир гуруҳ тадбиркорлари «Sen yolg'iz emassan» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган ўзбек ярмаркаси ва бизнес-форумда иштирок этишди.

Яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжумани Францияда ўтказилган ана шу муҳим тадбирлар натижаларига бағишланди. Анжуманда бошқарма раҳбари Садриддин Ҳакимов журналистларга маълумот берди.

— Парижда ўтказилган бизнес-форумда «Тошкент суғурта» компанияси, «Виртекс Агро» қўшма корхонаси, «AZN» масъулияти чекланган жамияти, «Элтекс маркет» савдо уйи сингари 20 дан зиёд тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ва вакиллари иштирок этди, — деди жумладан у. — Айниқса, ушбу тадбир давомида «Ўзбекистон хазинаси: санъат ва сайёҳлик» деб номланган ярмарканинг очилиши катта тантанага айланиб кетди. Ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида биринчи марта ўтказилган ушбу ярмаркага Париж шаҳри мэри ва Савдо-саноат палатаси вакиллари юқори баҳо беришди. Ярмарка давомида томошабинларнинг кети узилмади, уларнинг қизиқишлари ҳам катта бўлди. Бу, албатта, бизни тўлқинлантириб юборди.

Ўтказилган бизнес-форум хусусида тўхталадиган бўлсак, унда 35 нафар ўзбекистонлик ҳамда 180 нафар француз ишбилармонлари иштирок этишди. Тадбиркорликнинг кўплаб йўналишлари бўйича фикр алмашилди, тажрибалар ўртоқлашилди.

Шунингдек, Франциянинг «World Chambers Federation», «Association Avicenne France», Gaz de Franse» сингари компаниялари билан шартномалар тузишга эришилди. Муҳим тадбир якунида эса пойтахтимизда француз технологиялари кўргазмасини ўтказиш ҳамда Париж шаҳри Савдо-саноат палатаси ваколатхонасини очишга келишиб олинди. Ўйлаймизки, ушбу тадбирдан ишбилармонларимиз бой таассуротга эга бўлишди ва у фаолиятларида муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз)

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАШАББУС — 2006» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБИ «ИГОТЕКС» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИНИНГ РАҲБАРИ ШАВКАТ ЖАЛИЛОВ «ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР» НОМИГА САЗОВОР БЎЛГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.



Хусусий бизнес

ИЗЛАНИШЛАР БЕСАМАР КЕТМАЯПТИ

Чунки ушбу корхонанинг иш бошлаганига эндигина уч йил бўлсада, изланишлар бесамар кетмади. Ўтган давр мобайнида яратилган 69 хил моделдаги устки ва ички трикотаж буюмлари нафақат республикамиз бозорида ўз ўрнини топа билди, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу, албатта, тадбиркорлик билан иш юритишнинг, юртимизда ишбилармонларга яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш натижасидир.

— Ҳар бир бизнеснинг асосий йўналиши бор, — дейди корхона директори Шавкат Жалилов. — Ана шу йўналишни аниқ белгилаб олиш кейинги истиқболни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Корхона ҳаётида аввало маркетингни яхши йўлга қўймоқ даркор. Чунки ички ва ташқи бозорда ўрнини топишни истаган ҳар бир корхона нафақат кунига, балки соатига маркетингни ўрганиб бориши керак. Ана шу асосда янги, рақобатбардош маҳсулотлар туғилади. Бозорни ўргангач эса тез ва соз ҳаракат қилмоқ керакки, сиз билан рақобат қила оладиган корхоналар ҳозирда етарли. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам сифатга биринчи эътиборни қаратиш лозим.

Айни пайтда 67 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоа аҳли учун ўтган йил муваффақиятли бўлди. 470 миллион сўмлик маҳсулот сотилди. Шу жумладан 50 минг долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Асосий хом ашё, яъни 95 фоизи «Навоий азот» акциядорлик жамиятидан келтирилмоқда.

Жорий йилда сифатни пасайтирмаган ҳолда яна 10-15 турдаги аёллар ва эркаклар трикотаж кийимларини тайёрлаш баробарида болажонларимиз учун ҳам замонавий янги моделдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йил охиригача жами 1 миллиард сўмликдан зиёд, яъни ўтган йилгидан 2 баравар кўп мавсумбоп трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, 300 минг АҚШ долларилик товарлар Қозоғистон ва Россия Федерацияси давлатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган.

— Маҳсулотларимиз четдан келтириладиган мана шундай трикотаж буюмлари билан бемалол рақобатлаша олиши баробарида, — дейди уста Зулхумор Алиева, — нархи бирмунча арзонлиги, харидор эҳтиёжини қондириши, талабига жавоб бериши билан ажралиб туради. Айрим контрабанда йўли билан олиб келинаётган «усти ялтироқ» товарлардек бир ювгандаёқ ранги ўчиб кетмайди. Чунки маҳсулотларимизни бўяшда сифатли бўёқлардан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда сифатига кафолат бор.

Замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини оширишда энг муҳим омиллардан саналади. Шу боис ҳам корхона цехларининг Япония фирмаларида ишлаб чиқарилган тўқув, тикув ва кашта солиш дастгоҳ ва машиналари билан жиҳозлангани, кадрларнинг уларни бошқаришдаги меҳрпати нафақат маҳсулот кўринишида, балки сифатида ҳам яқкол акс этмоқда. Шунингдек, корхона касаначиликни ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда корхона буюртмаларини бажараётган 12 нафар уйда ишловчи аёллар керакли жиҳоз ва хом ашё билан таъминланган. Бундан улар ҳам, корхона ҳам манфаатдор.

Ҳеч кимга сир эмас, бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаби бор. Ушбу талаб тинимсиз изланиш, янгилик яратишга интилиш, бозорни ўрганишдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда, харидорга манзур этишда ана шу изланишнинг ўрни беқиёс. Буни дилдан ҳис этган «Иготекс» тадбиркорлари ҳам талабни тўғри англашмоқда. Бу эса харидорлар сафи кенгайишида, буюртмаларнинг ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: корхона устаси Зулхумор Алиева буюртмачига маҳсулотни намойиш этмоқда.

Наталья Семёнова олган сурат

Саноат

ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА«ГИ ФАРМОНИ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШ БОРАСИДА «ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ИНСПЕКЦИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БИР ҚАНЧА ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Бу борада бўлим инспекторлари билан 2 марта семинар ўқув машғулотлари ўтказилди. Фармон чиққанидан сўнг 2005 йил 4-чораги текширувлар сони 30 фоизга қисқартирилди. 2006 йил текширувлар режа-жадвали эса Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилди. Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини текширишни эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта текшириш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларини бу каби ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар олиб борилаётган бир пайтда ўзини тадбиркор қилиб кўрсатиб электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган кимсалар ҳам топилади. Масалан: Яккасарой тумани, Қушбеги мавзесидаги «Қушбеги Обод» хусусий корхонасида электр энергиясидан ўғринча (электр ҳисоблагичдан ташқари!) фойдаланилаётгани аниқланди. Шу тумандаги Шоҳжаҳон кўчаси, 1-уйда жойлашган «Ногирон мурувват» хусусий фирмасига тегишли дўкон эса энготаъминот ташкилоти тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олинган ҳолатда электр энергиясидан фойдаланиб келмоқда. Кўрсатиб ўтилган нохуш ҳолатларни бошқа туманларда ҳам кузатиш мумкин. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек тадбиркорлар орасида ҳам сохталари учраб турибди ва улар шубҳасиз жазоларини оладилар.

Т.ХАПИЗОВ,
«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи

Бўш вақтингизда

ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

КЎПГИНА ТАДБИРКОРЛАР ПУЛДАН ПУЛ ҚИЛИШНИ АФЗАЛ КЎРИШИ АНИҚ. ЛЕКИН УЛАР ОРАСИДА ЧЎНТАГИДАГИ ПУЛНИ АРЗИМАГАН НАРСАЛАРГА САРФЛАБ ЮБОРАДИГАНЛАРИ ҲАМ ТОПИЛАДИ. СИЗ ПУЛНИ АВАЙЛАБ-АСРАЙСИЗМИ ЁКИ ТЕЗРОҚ ИШЛАТИБ ЮБОРИШГА УСТАМИСИЗ? УМУМАН ПУЛ БИЛАН ҚАНДАЙ МУОМАЛАДА БЎЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Ана шуни билмоқчи бўлсангиз, қуйидаги тест саволларига аниқ жавоб беринг. Тўғри ва аниқ жавобингиз Сизнинг пулга бўлган муносабатингиз тўғри ёки нотўғрилигини билишингизда ёрдам беради. Фақат жавоб беришда тестнинг охирги натижаларига қараманг. Акс ҳолда ўзингизни алдаган бўласиз.

1. Ҳалол меҳнат билан ҳам бойиш мумкинми?
а) Ҳа (2);
б) билмадим (1);
в) йўқ (0).
2. Газеталардаги иқтисодиёт мавзусидаги мақолаларни мунтазам ўқиб борасизми?
а) Ҳа (1)
б) баъзан (2);
в) йўқ (0)
3. Агарда мўмай даромад олишни мақсад қилсангиз, тавакалига йўл тутасизми?
а) Ҳа (1);
б) билмадим (2);
в) йўқ (0)
4. "Пул бахтсизлик келтиради" деган иборага қандай изоҳ берасиз?
а) Ҳа (0)
б) билмадим (0)
в) йўқ (2)
5. Ҳаётингизни суғурта қилдирганмисиз?
а) Ҳа (0)
б) энди қилдирмоқчиман (1)
в) йўқ (2)
6. Бировлардан қарзингиз борми?
а) Ҳа (0)
б) бўлиб туради (1)
в) йўқ (2)
7. Қарз олиб, уни вақтида қайтармайдиган танишингизга пул берасизми?
а) Ҳа (0)
б) баъзида, инган пайтимда (1)
в) йўқ (2)
8. Ойлик олиш арафасида ҳамёнингизда озгина бўлса ҳам пулингиз бўладими?
а) Ҳа (2)
б) баъзан (1)
в) йўқ (0)
9. Фақатгина чайқовчилик қилиб яшаб бўладими?
а) Ҳа (0)
б) билмадим (1)
в) йўқ (2)
10. Чойчақа бераётганда фақат майда пуллар билан чекланиш лозим, деб ўйлайсизми?
а) Ҳа (0)
б) билмадим (1)
в) йўқ (2)
11. Пул одамнинг ҳулқини бузади, деб ўйлайсизми?
а) Ҳа (2)
б) баъзан (1)
в) йўқ (0)
12. Сиз бирор ишда пул билан қатнашмоқчисиз, бу ҳақда турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашасизми?
а) Ҳа (2)
б) агар бусиз чораси бўлмаса (1)
в) йўқ (0)

Энди балларни ҳисоблаб, жавобларни бир текшириб кўрингчи, пулга дўстмисиз ёки унга душман, билиб оласиз.

10 баллгача: Сиз пулларингизни тинчгина омонат кассада сақлайсиз. Яхшигина даромад олиш мақсадида тавакkал қилмайсиз. Сизга озгина тадбиркорлик етишмайди. Агарда ўзингизни енгиб, маблағингиз билан фаолроқ муомалада бўлсангиз, сизга омад қулиб боқиши шубҳасиз.

11-12 балл. Бозорда пул сарфлашда сизга тенг келадигани йўқ. Бир сўз билан айтганда, устаси фарангсиз. Вақти-вақти билан тавакkал ишларга ҳам сармоянгизни сарфлашга чўчиманг. Маблағингизнинг бир қисми қимматли қоғозлар шаклида сақланса яхши бўлади.

13 ва ундан юқори балл. Сизга қойил қолмай илож йўқ, ҳавас қилса ҳам арзийди. Пул билан муомалада бўлишда сизга тенглашиш осон эмас. Тадбиркорлик билан иш тутганингиз боис ҳам нимага қўл урсангиз, ҳамиша омад қулиб боқади. Лекин озгина эҳтиёт ҳам бўлиб туринг, ўзингизга ортиқча ишонаверманг. Негаки ўта қобилиятли, тадбиркор одамлар ҳам баъзида янглишиб, хатога йўл қўядилар.

Сўранг, жавоб берамиз

ЗИЁФАТ ҲАМ ПОРАМИ?

Хусусий корхона раҳбариман. Яқинда ушбу корхонамни текшириш учун келган текширувчилар ишимдан камчилик топиб, уларни «босди-босди» қилиш учун яхшигина зиёфат уюштиришимни сўрашди. Ушбу зиёфат ҳам порага кирадими?

Нодир Ҳусанов,
тадбиркор.

— Сизнинг зиёфат уюштиришингизни талаб қилган текширувчилар, албатта, пора олиш жиноятини содир этган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасига кўра моддий қимматли нарсалар олиш ёки мулкий наф кўриш пора олиш жинояти ҳисобланади.

ТИББИЙ МАЪЛУМОТ ШАРТМИ?

Яқинда хусусий дорихона очдим. Ушбу дорихонада тиббий маълумотга эга бўлмаган турмуш ўртоғим сотувчи бўлиб ишлаши мумкинми?

Йўлдош Мансуров,
Миробод тумани.

— Йўқ, мумкин эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-қарори билан тасдиқланган «Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмлар сотиш тўғрисида»ги қоиданинг 1-бандига кўра дорихоналарда дори-дармонларни сотиш учун фақат махсус фармацевтик маълумотга эга бўлган шахсларга рухсат берилган.

ТАРИХ ЖИПСЛАШТИРГАН МУНОСАБАТЛАР

ХХ – АСРНИНГ БУЮК ИМПЕРИЯЛАРИДАН БИРИ СОБИҚ СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ БАРБОД БЎЛИШИ НАФАҚАТ ЖАҲОН СИЁСИЙ ХАРИТАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТДИ, БАЛКИ ДАВЛАТЛАР, МИЛЛАТЛАР, ЭЛАТЛАР, ДИНЛАРАРО ВА БОШҚА ЭТНИК ХУСУСИЯТГА ЭГА КЎПЛАБ МУАММОЛАРНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРДИ.

Ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига маълум даражада, муайян бир мамлакат ёки минтақа тинчлиги, барқарорлиги, уларнинг тақдири боғлиқ бўлиб қолди.

Диний масала ҳамда атеистик давлат нуфузи йўлида иймон-эътиқод ҳурриятидан маҳрум қилинган халқларнинг руҳий ҳаёти ҳанузгача ўта ҳассос, аниқроғи, долзарб ва жиддий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Коммунистик мафкура бартараф этилгандан сўнг пайдо бўлган ғоявий-сиёсий бўшлиқни тўлдириш муаммоси диний экстремистик ташкилотлар ва миссионерлик тузилмалари фаолияти тобора фаоллашаётган шароитда давлатнинг келажагини белгиловчи омил сифатида чиқиб келди. Мазкур ташкилот ва тузилмалар вужудга келган вазиятдан фойдаланиб, суверен республикалар ҳудудига ўзларининг даъватчиларини сингдирдилар, шаклланмаган мусулмонларни манфур махлуқларга айлантириб, миллатлар, элатлар ва динлар ўртасида низолар чиқардилар. Ўзларини «ҳақиқий мусулмонлар», деб кўрсатишга уринган сохта ваҳҳобийлар айнан шу тоифадандирлар. Ўша империяни ташкил этган республикаларнинг ўзаро талоқ алмашиш жараёни якунига етганидан сўнг уларнинг тобора кенг тус ола бошлаган террорчилик ва экстремистик ҳаракатлари саудиялик машҳур диний арбоблардан бирининг нуфузига путур етказди.

Ўрта Осиёдаги собиқ иттифоқдош республикалар, шунингдек, Озарбойжон, Татаристон ва Бошқирдистон АССРни мусулмон давлатлари, хусусан, Ол Сауд подшоҳлиги билан алоқаларини чеклашга интилган КПСС МҚнинг мафкура бўлими «ваҳҳобийлик» ёрлиғини кўпайтиришда асосий роль ўйнади.

Саудия Арабистони Подшоҳлигининг биринчи давлати тарихи солномасини тузган баъзи олимлар Ол Сауд сулоласининг барча имомларига «ваҳҳобий» лақабини асоссиз бериб, хатога йўл қўйишган. Эмишки, улар ислом алломаси – ислоҳотчи шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб(1703-1792 йй.) қарашларини ёқлаб чиққанлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, унинг издошлари ҳеч қачон ўзларини «ваҳҳобийлар», деб атамаган, фақат яккахудолик ва асл ислом динини тарғиб этганлар. Айни пайтда қатор сохта тарихчилар саудияликларнинг гўёки янги диний мазҳабни ҳимоя қилиб чиқаётганлари тўғрисида таъкидлашдан чарчамас эдилар. Ҳақиқатда эса саудияликлар сулоласи ва шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ярим оролда бидъатга чек қўйиш, мусулмонларнинг асл ислом динига қайтиши ва жамиятда Қуръони карим ва Муҳаммад Пайғамбар суннатларига тўла мос келадиган қонуний асосни яратишга интилганлар. XVIII аср бошларида араб қабилалари ва катта оилалар диний урф-одатларни адо этиш жараёнида ўзларининг бир-биридан фарқ қилувчи тартиб ва таомилларига риоя қилганлари, уларнинг авлиёлар даражасига кўтарилган бошлиқлари, муқаддас жойлари, санам ва маъбудалари бўлгани бундай хатти-ҳаракатларни оқлаган.

Шу билан бирга Арабистон ярим оролининг оғир табиий-жуғрофий шароити у ерда истиқомат қилганларни доим ҳаёт учун курашишга мажбур этган. Ўзаро урушлар эса бу заминнинг кўплаб қабилалар ҳудудига ва майда амирликларга бўлиниб кетишига сабабчи бўлган.

Бундай вазият ва Арабистон ярим ороли аҳолисини бирлаштириш заруратига нисбатан бўлган муштарак мавқе тарихда Ол Саудлар сулоласи пойтахти номи билан машҳур бўлган Дирийа шаҳри ҳокими имом Муҳаммад ибн Саудни ислоҳотчи – шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб билан иттифоқ тузишга ундади. Шу боис шайх Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг бўлажак Саудия Арабистони Подшоҳлигининг шаклланишидаги хизматлари беқиёс, унинг исмини эса ҳозирги сохта ваҳҳобийлар билан боғлаш жоҳилликдир.

Шундай давлатлар борки, Ўзбекистоннинг улар билан муносабатлари узоқ асрларга бориб тақалади. Саудия Арабистони Подшоҳлиги айнан шундай давлатлар қаторидан муҳим ўрин эгаллайди. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи қадимийдир.

Ислом дини ва маданиятининг Марказий Осиёда, шу жумладан, Мовароуннаҳр ҳудудида тарқалиши ушбу минтақа халқларининг жаҳон миқёсида муҳим мақомга эга бўлган янги цивилизацияга интеграциялашувини бошлаб берди.

Азалдан Мовароуннаҳр ислом оламида катта шуҳратга эга. Бунда ижодлари турли дунёвий ва илоҳий илмларни қамраган ва арабийзабон асарларида ўз аксини топган аждодларимиз хизмати каттадир. Улар сирасига Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ал-Термизий, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд ал-Замахшарий, Бурҳонуддин ал-Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби буюк аллома ва мутафаккирларни киритиш мумкин. Уларсиз жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ислом маданияти равнақи ва юксалиши бўлмас эди.

Тошкент ва Ар-Риёд ўртасидаги ҳозирги муносабатларга Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг асос солинган. Саудия Арабистони Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1991 йилнинг 30 декабрида биринчилар қаторида эътироф этди. Кейинги йилнинг февраль ойида икки давлат ўртасида элчихона даражасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигига 1992 йил апрелида амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Мазкур ташриф, шунингдек, ислом динининг муқаддас қадамжоларини зиёрат этишни орзу қилиб юрган Ўзбекистондаги миллионлаб эътиқод кишиларининг қалбларига ишонч туйғусини солди. Ўша йилнинг ноябридаёқ Жидда шаҳрида мамлакатимиз консулхонаси очилди, у 1994 йил июнь ойида Бош консуллик мақомини олди.

Мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш учун 1995 йил май ойида Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон элчихонаси икки томонлама сиёсий мулоқотларни фаоллаштирди. Худди шу йилнинг ноябрида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири бошчилигидаги мартабали делегациянинг расмий ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий, сармоявий, техникавий, маданий ва маърифий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Юқорида санаб ўтилган соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. 1997 йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида Саудия Арабистони Подшоҳлиги элчихонасининг очилиши икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш имконини берди.

Икки томонлама ҳамкорлик гуманитар, маданий, илмий ва маърифий соҳаларда алоҳида ривож топди. Саудия Арабистонининг илмий ва жамоатчилик доиралари вакиллари Ўзбекистондаги кўплаб тадбирларда, шу жумладан, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқа аждодларимизга бағишланган тантаналарда, Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дастурларида қатнашганлар. Ўз навбатида, мамлакатимиз вакиллари ҳам Саудия Арабистони заминида бўлиб ўтган кўпгина маданий ва илмий тадбирларда иштирок этганлар.

Ўзбекистондан ниқиб, тақдир тақозоси билан бир вақтлар Саудия Арабистонига бориб қолган ватандошларимиз ҳам мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишади.

Ҳар йили Ўзбекистондан минглаб зиёратчилар ислом дунёсининг муқаддас қадамжоларига боришади. Агар собиқ шўролар тузуми даврида юртимиздан ҳаж ва умра зиёратига саноқли одамлар (йилига 4-5 нафар) боришган бўлса, биргина 2005 йили 6 минг нафардан зиёд ўзбекистонлик ҳаж ва умра маносикларини бажаришга муяссар бўлди.

Ўзбекистонлик ҳожилар Саудия Арабистони заминида бўлишганида ҳамиша маҳаллий аҳоли ва бошқа мамлакатлардан келган эътиқод кишилари томонидан ўзларига бўлган катта ҳурматнинг гувоҳи бўлишади. Улар юртимиздан борган зиёратчиларни ҳурмат-эҳтиром билан «Имом ал-Бухорий набиралари», деб аташлари баробарида бошқа кўплаб бобокалонларимизнинг муборак номларини тилга олишади. Бунда ҳақиқий, бағрикенг, ислом динига эътиқоди юксак барча ҳожиларга меҳмоннавозликни изҳор этувчи Икки муқаддас масжид мамлакати раҳбариятининг хизматлари беқиёс.

Подшоҳлик жамоатчилиги Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга катта қизиқиш билдирмоқда. Саудия Арабистонида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг қатор асарлари чоп этилиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этилгани бунинг яққол тасдиғи бўла олади. Хусусан, мамлакатнинг энг йирик нашриётларидан бири «Дар ал-Салом» томонидан Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» каби асарлари араб тилида чоп этилди.

Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда охирги мажлиси 2004 йил май ойида Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган ҳукуматлараро қўшма комиссия муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда тўққизта Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонаси фаолият юритмоқда, шулардан тўрттаси юз фоиз хориж капитали асосида ташкил этилган.

Тошкент ва Ар-Риёд халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда икки мамлакат ҳам террорчилик ташкилотларининг тажовузкорона хатти-ҳаракатлари ва таҳдидлари нишонларига айланди. Шу ўринда Ўзбекистон делегациясининг ўтган йил февраль ойида Ар-Риёдда бўлиб ўтган ва ҳозирги замоннинг ушбу иллатига қарши курашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Делегациямиз аъзоларини подшоҳлик раҳбарияти қабул қилди. Учрашувлар чоғида иккала томон ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, шу жумладан, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашни кенгайтиришга кизиқиш билдираётгани намоён бўлди.

Ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ўтган йил 5-8 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси Саудия Арабистони Подшоҳлигида ташриф билан бўлди. Юртимиз вакиллари Макка шаҳрида ўтказилган Ислом конференцияси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг навбатдан ташқари саммитида иштирок этди. Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси раҳбари ИКТ Бош котиби А.Эҳсонўғли ва Ислом тараққиёт банки президенти А.М.Али билан учрашди.

2005 йил декабрь ойининг ўртасида подшоҳлик Маслаҳат Кенгаши раиси Солиҳ ал-Ҳумайднинг мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлгани ҳам Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлигининг муносабатларини мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишидан далолатдир. Ташриф чоғида Саудия парламенти спикери Ўзбекистон Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раиси Э.Халилов, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга туртки берибгина қолмай, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг жадал ривожланаётганини ҳам намоён этди.

Айни пайтда икки мамлакат раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва Икки муқаддас масжид Ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи Абдулла ибн Абдулазиз Ол Сауднинг доимий диққат-эътибори икки томонлама муносабатларнинг ривожи ҳамда чуқурлашувига кўмак бермоқда.

Бахтиёр ИРИСОВ,
Лутфиддин ХЎЖАЕВ,
«Жаҳон» АА

Санъат

БАДИЙ КАТАЛОГ

БУНДАН БИР ЙИЛ МУҚАДДАМ ТОШКЕНТДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО БАДИИЙ КЎРГАЗМА ТОМОШАБИНЛАРДА ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРГАН ЭДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ МАВЗУИНИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ, ТАСВИРИНИНГ ЎТА ТАЪСИРЧАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРДИ. УЛАР ЖАНР ЖИҲАТДАН ҲАМ ЭЪТИБОРНИ ЎЗИГА ТОРТГАН ЭДИ.

Ушбу экспозиция тараққиёт ва ҳамкорлик Швейцария бошқармаси саъй-ҳаракати билан уюштирилганди. Ушбу бошқарма ўзининг бу ташаббусини давом эттириб, яна бир хайрли ишга қўл урди. Кўргазмадан ўрин олган картиналар умрини узайтириш мақсадида бадиий каталог босмага тайёрланди. Яқинда чоп этилган мазкур бадиий каталог Ўзбекистон замонавий санъатининг ўзига хос намойиши бўлди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ТОШКЕНТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИ ЎЗИНИНГ СЎЛИМ БОҒЛАРИ, КЎРКАМ ВА ГАВЖУМ ГЎШАЛАРИ БИЛАН ҲАМ ЭЪТИБОРНИ ТОРТИБ КЕЛМОҚДА. ТОШКЕНТНИНГ АНА ШУ ЖОЗИБАЛИ МАНЗАРАЛАРИ МЎЙҚАЛАМ УСТАЛАРИ КАРТИНАЛАРИДА ЯНАДА НАФИС ТАСВИРЛАНГАН.

"Тош устидаги шаҳар" деб номланган полотно ҳам гўзал шаҳримиз таровати ҳақида ҳикоя қилади. Ўзига хос бадиий композицияда яратилган бу асар таниқли рассом Муҳаммад Фазилийнинг энг яхши асарларидан бири деб топилди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси М.Фазилий томонидан ташкил этилган кўргазмадан "Тош устидаги шаҳар" картинаси ҳам муносиб ўрин олди.

Рассомнинг яна чизган қатор манзарали асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлди.

МУСИҚАНИНГ ТУРЛИ ЖАНРЛАРИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ КОНЦЕРТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛАЁТГАН МУСИҚАЛИ ДАСТУРЛАРДАН ЯНГИ АСАРЛАР ҲАМ ЎРИН ОЛМОҚДА. РЕСПУБЛИКАМИЗ БАСТАКОРЛАРИ ЯРАТАЁТГАН ИЖОД НАМУНАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ ИЖРОСИДА ҲАМ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ҚИЛИНАДИ.

Таниқли бастакор Рустам Абдуллаев ўзининг навбатдаги мусиқасини камер оркестри ижроси учун тайёрлади. "Поэма-фантазия" деб номланган мазкур асарда мусиқа санъатининг кўзга кўринган намояндалари улуғланади.

Таниқли бастакор Ҳабибулло Раҳимов ҳам ўз мухлисларини янги мусиқалари билан хушнуд қилади. Унинг навбатдаги асари мусиқали баллада жанрида ёзилди. Бу ижод намунаси фортепиано жўрлигида ижро этилади.

Акбар АЛИЕВ

«ГЖЕЛЬ - РИШТОН» КЎРГАЗМА ЯРМАРКАСИ

ТОШКЕНТДАГИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ШВЕЙЦАРИЯНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАРИ, «РОСЗАРУБЕЖЦЕНТР» ВАКОЛАТХОНАСИ, ШВЕЙЦАРИЯ ТАРАҚҚИЁТ ВА ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ ҲАМДА «КАРВОН» САНЪАТ САРОЙИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ГЖЕЛЬ-РИШТОН» КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

- Ижодий ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этишига ишонаман, - деб таъкидлади «Гжель» бирлашмаси бош директори, Россия Қаҳрамони Виктор Логинов кўргазма-ярмарканинг очилиш маросимида.

Мазкур кўргазмага россиялик «Гжель» чиннисозлари ва жаҳонга машҳур Риштон кулолчилик мактабининг ўн олтита усталари ижодидан намуналар қўйилган.

Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин, ҳар икки давлатнинг қадимий халқ амалий санъати вакиллари ҳамкорлигининг муқаддимаси ўзбек ва рус халқи маданиятининг ривожланишида катта аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Эндиликда айнан шундай кўргазмани Москвадаги Шарқ санъати музейида ўтказиш режалаштирилган.

Швейцариянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Петер Буркхард, мазкур тадбир давлатлар ўртасидаги Тараққиёт ва ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилаётганини қайд этди. - Кўргазманинг юксак маънавий аҳамияти ҳам бор, - деди у. - Яъни бу тадбир бир неча йил давомида сайқал топган халқ амалий санъатининг бугунги кундаги камолини намойиш этди.

Москва шаҳридан 60 чақиримча узоқликда жойлашган кулолчилик санъати макони Гжель усталари ўзига хос чинни турини яратишган. Ушбу услубга кўра барча идиш ва маҳсулотлар мовий рангда халқона нақш ва расмлар билан безатилади. Россиянинг энг йирик «Гжель» бадиий керамика ишлаб чиқариш бирлашмаси усталарининг ижод намуналари Тошкентдаги кўргазмада намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, кулоллар сулоласининг вакили Шарофиддин Юсупов риштонлик уста-ҳунармандлар гжелликлар билан ҳамкорлик қилишга ҳозир эканликларини маълум қилди. Улар кўргазма қатнашчилари ва томошабинларни бадиий кулолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни, бундан 800 йиллар муқаддам яратилган мазкур халқ амалий санъатининг тарихи ва анъаналари билан таништиришди.

Марказий Осиё халқ ижодиётини тадқиқ қилган кўпгина олимларнинг фикрича, ўзбек кулолчилиги санъати ўз ривожини айнан Риштондан бошлаган. Усталарнинг ажойиб технологияси, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанаю, сир-асрорлари мавжуд. Бу мактаб усулига эркин ва жозибали нақшлар асосан оқ ва ложувард рангларда берилиши, тасвирларнинг кўпчилиги ислимий нақшлардан иборатлиги хосдир. Усталарнинг кўпинча бу ранглардан фойдаланишининг ўзига хос рамзий маъноси ҳам бор. Зеро, оқ ранг оби ҳаётни ифодаласа, мовий ранг коинотни англатган.

«Туркистон-пресс»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 17- ШАҲАР КЛИНИК ШИФОХОНАСИДА ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, САНИТАРИЯ- ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ ИДОРАЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда, оналик ва болаликни тиббий- ижтимоий муҳофазалашда, ёш авлодни етук ва баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши ўз самарасини бераётир. Жумладан, кўплаб янги шифо муассасалари барпо этилиб, мавжудларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Бу эса аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, хасталикларнинг олдини олиш, болаларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини фаоллаштириш имконини бераётир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда янги барпо этилган оилавий поликлиникалар фаолияти билан яқиндан танишар экан, халқимизга малакали тиббий ёрдам кўрсатишда ана шундай шифо муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда ишлаётган шифокорларнинг малака ва масъулиятини кучайтириш борасидаги вазифаларга яна бир бор эътиборни қаратди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ана шу дастурий кўрсатма ва тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги вазифалар хусусида сўз борди.

— Жамиятнинг бошқа жабҳалари қатори, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқимизга кенг кўламли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, шифокорларнинг масъулиятли ва шарафли касбини эъзозлаш Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида эканидан жуда мамнунмиз, - дейди Юнусобод туманидаги 5-оилавий поликлиника бош шифокори Раъно Иноятова. - Бунинг самараси ўлароқ, аҳоли саломатлиги тобора мустаҳкамланмоқда, касалликларнинг олди олиняпти.

Поликлиникамиз қарийб йигирма минг кишига хизмат кўрсатади. Шифокорларимиз оила аъзоларининг ҳар бири билан бевосита мулоқотга киришиш имкониятига эга. Бу касалликларни эрта аниқлашда, соғлом ва баркамол авлодни камолга етказишда, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда тиббиёт, таълим ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини самарали ташкил этиш, оилада тиббий маданиятни оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бирор нарсага ортиқча муҳаббат қўйиш кўзни кўр, қулоқни кар қилади.

«ОТАЛАР сўзи»

Ошиқи содиқ эрсанг жонон
учун жон ўйнағил,
Неча мушкил бўлса жон ўйнамоқ,
осон ўйнағил.
Чунким айладинг жигар бирён
муҳаббат ўтина,
Бошни бир ён солғилу жонингни
бирён ўйнағил.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

ҲИКОЯТ. Айтишларича, Хусрав Парвиз ўзининг қонхўр душманини ўлдириш мақсадида кучли заҳар тайёрлатган эди. Заҳарни шишага қуйдириб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга осиб қўйди. Сўнг Ширинга тайинлаб деди: «Зинҳор бу шишанинг оғзини очма, ҳеч кимга кўрсатма, ҳакимлар ҳикмат юзасидан кўп йил уринишлардан сўнг ушбу нарсани юзага чиқарганини ҳеч кимга айтма».

Айтишларича, кунлар ўтиб Ширин Фарҳод билан учрашиб қолди. Ширин унга илтифот тариқасида ўша шишадаги нарсадан қуйиб узатди ва деди: «Бу шундай шарбатки, Хусрав унинг ҳар қатрасини жонидан азиз кўради, ҳеч кимга бир томчисини ҳам раво кўрмайди». Ширин унинг қаттол заҳар эканини билмас, аксинча, жон бағишловчи обиҳаёт шарбат деб хаёл қилар эди.

Фарҳод Ширин қўлидан пиёлани олди ва уни оддий сувдек сипқариб юборди.

Ҳар киши ишқ йўлида лоф урса-ю,
Жонидан кўрқса агар ошиқ эмас!

Ширин ундан: «Қалай, асал эканми?» деб сўради. Фарҳод «Билмадим, аммо уни сенинг қўлингдан ичганим учун асалдан ширин!» деди.

Кимнинг юрагида ишқ бўлса пинҳон,
Заҳарни шакар деб қилади гумон!
ХУРРАМИЙ

Агар маъшуқа майли йўқ, билингиз
Ета билмас анга ушшоқ ҳаргиз.
МАЖЛИСИЙ

Ақл ила ишқ ҳаргиз туз
келмади бу йўлда,
Ошиқ қошинда сиғмас чун
зоҳиди мувасвас.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.
НОДИРА

Жавру жафо йўқтурур ишқда,
Айни вафо турур қаму озори ишқ.
Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

Гар қабулиятга қобил тушса
жон жоним санга
Жонима миннат фидо бўлсун,
бегим, жоним санга.
ГАДОИЙ

ҲИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

Дунёнинг қарори илм биландир.
Илмсиз кишига йўқдир эътибор.

Бир куни муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаябди, вақтини ўйин-кулги билан зое ўтказмоқда», — деди. Байт:

Ҳар инсон илмдан топса баҳра,
Иши ўқиш ила саволу жавоб!

Онаси муаллимдан: «Билолмадингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан маҳрум бўлган. Билишимча, унинг хотири маҳбуб учун нигорон, дили эса маъшуқ юзига ҳайронга ўхшайди:

Ўзи меҳнатга ожизу, боши
савдога лиқ тўла.
Бугуну эртанинг фикри ҳақида
ўйламас сира!

Мен илму иймондан савол қилсам, у васлу ҳижрондан гапиради, мен ҳалолу ҳаромдан ҳикоя қилсам, у зулф ила ҳолдан оғиз очади!» Онаси деди: «Ишқ кўчасидан юришнинг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишқ изтиробли бўлса ҳам, аммо ошиқ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

Домга тушган ночор қушнинг ҳолини
Озод юрган бургут билмас ҳеч қачон.
Қафасдаги булбул нолишин эса
Ёр-ла юрган каптар сезмас бегумон.

Уни озод қил! Ишқда шундай хосият борки, у кишини латофатли, назокатли ва ҳушёр қилади!» Байт:

Ҳар кимсанинг боғ ила
бўстонлари бўлса ҳам,
Хушнуд эмасдир ҳаргиз унда
ёри бўлмаса.
Кўнгил бермоқ бировга, ҳаётнинг
ўзи шулдир,
Жонсиз суратдир кимнинг
гулузори бўлмаса!
Мажидиддин ХАВОФИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

АМИР ТЕМУР ЮБИЛЕЙИ БРЮССЕЛДА НИШОНЛАНДИ

БРЮССЕЛДАГИ ҚИРОЛЛИК САНЪАТ ВА ТАРИХ ИНСТИТУТИДА СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРДА БЕЛЬГИЯ СИЁСИЙ, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА АКАДЕМИК ДОИРАЛАРИ, БРЮССЕЛДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР, ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВАКИЛЛАРИ, УЧ ЮЗДАН ЗИЁД ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Қироллик санъат ва тарих музейи бош директори Анн Каен-Делей конференцияни очар экан, буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурга бағишланган конференцияни ташкиллаштириш музей ходимлари учун катта шараф эканини таъкидлади. Замонавий Ғарб ва Бельгия жамоатчилиги мазкур буюк шахс ҳамда Марказий Осиёдаги муҳим мамлакат — Ўзбекистон тарихи ҳақида, афсуски, яхши хабардор эмас, деди Каен-Делей хоним. Шу боис Қироллик санъат ва тарих музейи маъмурияти «ушбу гўзал мамлакат вакиллари билан имтиёзли муносабатлар ўрнатиб, ўзбекистонлик ҳамкорлар билан катта кўргазма ташкиллаштиришга қарор қилди».

Асосий маърузачи – Париждаги Темурийлар санъати ва тарихини ўрганиш уюшмаси президенти, таниқли француз олими Люсьен Керен конференцияга кўкрагига «Шуҳрат» медалини таққан ҳолда келди. Ушбу мукофотни у Президент И.А.Каримовдан 1996 йили ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Амир Темурнинг 660 йиллиги нишонланаётган пайтда олган.

Профессор Л.Керен ўз чиқишида Амир Темурнинг Европа тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталди. XIV аср охирида бу ердаги вазият ниҳоятда мураккаб эди. Европа ички низолар ва Кичик Осиёдаги Усмоний турклар империясидан келаётган янги таҳдид сабабли кучсизланган эди. Бу мураккаб даврда европаликлар самарқандлик буюк саркарда сиймосида ўз иттифоқдошини кўрганлар. Темурнинг султон Боязид устидан ғалаба қозонгани тўғрисидаги хабар Европанинг барча пойтахтларида хурсандчилик билан кутиб олинган.

Испания қироли элчиси Руи Гонсалес Клавихонинг ёдномаларига таянган ҳолда, Л.Керен Амир Темур нафақат буюк саркарда, балки бунёдкор, турли ҳунарлар ва савдо-сотиқ ташкилотчиси, илм-фан, санъат ҳомийси бўлганини ҳам таъкидлади. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакат ҳудудида тартиб-интизом ўрнатилиб, давлат гуллаб-яшнаган, Самарқандда турли миллат ва динлар вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирган.

Конференцияда сўзга чиққан Темурийлар тарихи давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси Владимир Норов Амир Темур мураккаб тарихий даврда миллатни бирлаштиргани, тарқоқ ўлкалар ва халқларни жипслаштириб, кучли марказлашган давлат барпо этгани, унинг ҳукмронлигида иқтисодиёт, фан ва маданият гуллаб-яшнагани, кенг кўламли халқаро иқтисодий ва савдо алоқалари ўрнатганини қайд этдилар. Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ Президент И.А.Каримов томонидан кўп асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий ва маданий меросни тиклаш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темур ҳайкаллари ўрнатилди, Ўзбекистон Президенти таъбири билан айтганда, бизнинг ўтмишимиз, ҳозирги кунимиз ва буюк келажагимизни катта ойна сингари акс эттириб турувчи Темурийлар тарихи музейи барпо этилди.

Конференция иштирокчилари эътиборига инглиз тилида яратилган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган фан, маданият ва таълим ҳамда 1996 йили ЮНЕСКО ҳомийлигида нишонланган Амир Темурнинг 660 йиллиги тўғрисида ҳикоя қилувчи видеофильм ҳавола этилди.

Тошкентдаги Глиэр номидаги мусиқа мактаби битирувчиси, Брюсселдаги Қироллик консерваторияси ўқитувчиси, Ўзбекистон фуқароси Элина Пак ва бельгиялик мусиқачилар машҳур европалик бастакорлар Вивальди ва Генделнинг Амир Темурга бағишланган асарларини альт ва гитара каби мусиқа асбобларида ижро этишди. Конференция доирасида турли тарихий даврлар, шу жумладан, Амир Темур давридаги миллий кийимлар Самарқанддаги «Ал-мерос» тарихий либослар театри артистлари ёрдамида намойиш этилди.

Европарламент депутати маслаҳатчиси Франк Швалба-Хот конференциядан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлиб, ушбу тадбир туфайли Амир Темурнинг турли маданият ва ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйишда тутган ўрнини англаб етганини айтди. Унинг фикрича, конференция иштирокчиларининг кўпчилиги ўзлари учун Амир Темур давлати ва ўрта асрлардаги Европа ўртасида яқин алоқалар бўлганини кашф этдилар. Амир Темур фаолияти диний ва мафкуравий фарқларга қарамасдан турли халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг нечоғлик муҳимлигининг яққол намунасидир.

Брюсселдаги конференция қатнашчилари ушбу тадбир Европа жамоатчилигининг Амир Темур ҳаёти ва фаолияти, унинг инсоният тарихидаги ўрни, ўзбек давлатчилигини шакллантиришдаги ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистон тарихи ва маданияти, республикамизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари ҳақидаги билимларини кенгайтиришга ёрдам берганини таъкидлади.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель

ҚУВОНЧ

(Ўтмишдан қатра)

Похолга ўралган ток новдаларининг куртаклари бўртиб, кўз очяпти, ҳадемай похоли олинади. «Обиновват»нинг куртаклари ҳам хиёл табассумда.

— Шукр, қишдан омон чиқибди, ўлмаган «қул» мевасини татийди яна. — Офтобли айвондан баҳор даракчиларига боққан Зуҳра опанинг юзида мамнунлик табассуми. Бири ўйин, бири юмушга банд болажонларни дил ёзишга чорлайди.

— Қани, баҳорни ким нимада кўради?

— Баландларда дириллаб учган варрагимда кўраман, — дейди Бахтиёр.

— Сочларимга тақиладиган тол баргларида кўраман, — дейди севинчини яширолмай Шоира.

— Мен-чи, — дейди кўзичоқдек диконглаб Карим. — Баҳорни дадамларнинг даладаги қулупнайларида кўраман. Қип-қизарса, еб сираям тўймайман-да.

— Мен-чи, ойи, — деди онажонига талпиниб Саодат, — баҳорни сумалакда кўраман. Ўтган йили еб, мазза қилганман роса.

— Оҳ, онагинангиз айлансин, онагинангиз айлансин, сизлардан, — онанинг қувончи ичига сиғмай болажонларини бир-бир қучади, — ҳар ким ўзи билган, суйган нарсасида баҳорни кўрса — бу жуда яхши.

Сумалакка қолганда жиддий тортади опа. Оғир, аянчли кунлар. Уруш юртдаги қут-баракани аждаҳо домига тортган. У ҳозирги энг кичик қизидек ёш эди ўшанда. Кетмончи онасига эргашиб, далага чиқарди. Шийпон ёнидаги дошқозоннинг атала қирмочини талашарди тенгқурлари билан ўйнашиб. Онаси немисни қарғаб: «Отасининг меҳрига тўймади, ёлғизимнинг кўнгли ярим», дея тансиқ нарса бўлса унга илинарди энг аввал.

«Илик узилди» — баҳор куни. Баҳоли қудрат, биров косада, биров тоғорачада сумалак қилаётган кампирникига ун кўтариб чиқади. Кампирникига лоақал бир ҳовуч ун олиб чиқолмаган онаси сумалак йиғинидан тортиниб, қизалоғини юпатади? «Ер ютгур Гитлернинг гўри яқин қопти. Эл тинч, замон омон бўлса, ҳаммаёқ яна маъмурчиликда, болам. Ўшанда сумалакни ўзим қилиб бераман». Зуҳра опа ўзини саодатли кунларга «тишида тишлаб» етказган онасини, шу бахтли кунларни деб жон берган отасини хўрсинб эслади. Кўзларида қалқиган ёшини сездирмайгина артиб, болаларининг гулгун юзларига боқди.

— Биласизларми, — деди у болаларига дадил боқиб, — мен баҳорни нимада кўраман? — Энг аввало сизларнинг шодликларингизда кўраман. Бир кўрган ёмон кунларни зинҳор кўрманглар. Қувончингиз мен учун бир олам баҳор.

Ғани АБДУЛЛАЕВ





Кураш

БАРАКАЛЛА, ЁШ ПОЛВОНЛАР

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИ САРОЙИДА «УМИД НИҲОЛЛАРИ» МУСОБАҚАЛАРИ ДОИРАСИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ҚИЗИҚАРЛИ ТУРНИР БЕЛЛАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташкилотчилигида уюштирилган мусобақаларда шаҳримизнинг ўнта тумани ёш полвонлари жамоаси — жами 60 нафар курашчи иштирок этди. Баҳслар 50, 55, 60, 65, 70, 77 ва ундан ортиқ еттита вазн тоифасида ўтказилди.

Болажонлар ҳар хил усулларни қўллаб, мухлисларини шод этишга ҳаракат қилишди. Бироқ уларнинг тажрибалари ҳали камлиги сезилиб турди.

Финал баҳсларидан сўнг эса ғолиблар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин майдон эгалари — Учтепа тумани вакилларига насиб этди. Иккинчи ўринни Сергели, учинчи ўринни эса Юнусобод тумани ёшлари эгаллашди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: белбоғли кураш мусобақасидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Мунажжим башорати

НОХУШЛИКЛАРДАН САҚЛАНИНГ

13 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА
БУГУН АСАБИЙ ЖИЗЗАКИЛИК, ҚЎРҚУВ ВА НУҚСОНЛАР КУЧАЙИШИ, ЭҲТИРОСЛАРДА БЕҚАРОРЛИК НАМОЁН БЎЛИШИ КУТИЛАДИ.

Бугун бошқалар таъсирига берилиш, бировлар гапига лаққа тушиш осон бўлади. Шунинг учун мулоқотларда эҳтиёткорлик талаб этилади. Алдовларга учманг, танбаллик қилманг, тўғри йўлдан оздиришларига йўл қўйманг – шунда сиз кўпгина муаммоларни четлаб ўтган бўласиз.

Тажовузкорлик ва жанжалли вазиятлардан ўзингизни олиб қочинг. Бугун санъат билан, бирон-бир қўл иши билан машғул бўлган маъқул. Кир ювиш ва хоналардаги жиҳозларни ҳўл латта билан артиб, тозалаб чиқиш тавсия этилади.

Ёмғирда қолиш, айниқса момақалдироқ аралаш ёғаётган ёмғирда қолиш, камалакни кўриш эзгулик алломати ҳисобланади. Ҳатто устингизга ўзингиз бирор суюқликни тўкиб юборган тақдирингизда ҳам буни ёрдам ва ярашиш белгиси деб қабул қилинг.

Бугун ҳам рамзий, ҳам реал тушлар башоратли бўлади. Тушларингизни эслаб ёки ёзиб қўйсангиз , келажакда ўзингизга асқотади. Тушингизда осмон ёки сувни кўриш жуда яхши аломат ҳисобланади. Парранда ва ҳайвонларни кўришингиз алдов ва фитналардан огоҳлантиришдир.

Пешоб йўллари бугун айниқса заифлашган ҳолатда бўлади. Шунингдек, юқумли касалликларни юқтириш хавфи ҳам йўқ эмас.

Кийим-кечаклардан яшил, оқ ва кумушранглилари кунингиз омадли ўтишида қўл келади. Қора, кўк ва қизил рангли либосларингизни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўя туринг.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Бектемир туманида, иккита номаълум шахс, кечки пайт, "Колибри" қаҳвахонаси олдидан ўтиб бораётган Наманган вилоятида яшовчи К.Бойназаровни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, 700.000 сўм пули, "Нокия" уяли телефонини тортиб олиб, қочиб кетишган.

Жабрланувчининг берган хабаридан сўнг жиноят-қидирув бошқармаси тезкор ходимлари томонидан кўрилган чора тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, олдин судланган 18 ёшли Р.Чернов ва ишламайдиган 19 ёшли А.Асатовлар далилий ашё билан ушландилар.

● Собир Раҳимов туманида, кечки пайт, "Комплекс" дўкони олдида, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган, шу туманда яшовчи, 18 ёшли И.Бобохонов куч ишлатиш йўли билан, Юнусобод туманида яшовчи 19 ёшли Э.Фурқатовни қўрқитиб, эгнидаги 250.000 сўмлик курткаси ва пулларини тортиб олиб, қочиб кетган. Жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Бобохонов далилий исбот билан ушланди.

● Шайхонтоҳур туманида, кечки пайт, шу туманда истиқомат қилувчи фуқаро Ж.Аброров маст ҳолда бўла туриб, қўшниси М.Абдусатторованинг уйига очиқ қолган эшикдан кириб унинг 200.000 сўмлик тақинчоқларини ўғирлаб кетган. Уйини бир неча дақиқага қолдириб кетган Абдусатторова уйига кириб, тартибсизликни кўриб, кўнгли сезгандек тақинчоқларини қидириб, топа олмай ички ишлар идораларига мурожаат қилди. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида, ушбу жиноятни содир қилган шахс, қўшниси эканлиги аниқланиб, ўғри далилий ашё билан қўлга олинди.

● Чилонзор туманида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагидаги лифтига, тунда, номаълум шахс кириб олиб у ердан 70.000 сўмлик тўхтатиш ғалтакларини ўғирлаб кетган. Оқибатда лифт яроқсиз ҳолда, ишламасдан тўхтаб қолган. Бундай ҳолат шу туманнинг бошқа ҳудудидаги уйларда ҳам содир бўлган. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган тезкор тадбирлар натижасида 55 ёшли дайди Володя исмли шахс далилий ашёлар билан ушланди. Тергов давомида аниқланишича, у бундай ўғирликларни олдин ҳам содир қилиб, судланиб, тегишли жазо ҳам олган экан.

● Сергели туманидаги уйларнинг бирида, вақтинча ижарада яшаб келаётган 23 ёшли Р.Кулбековнинг уйида меҳмонда бўлиб турган акаси, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 25 ёшли У.Кулбеков, укасининг бошқа хонага чиқиб кетганлигидан фойдаланиб сервантида турган 3.000 АҚШ долларини ўғирлаб кетган. Буни сезиб қолган укасининг ички ишлар идоралари ходимларига мурожаат этишдан бошқа иложи бўлмаган. Кўрилган тезкор тадбирлар натижасида у далилий ашё билан ушланди ва Сергели туман ИИБга, дастлабки тергов ишларига жалб қилиш учун олиб келинди.

● Шу кунларда Тошкент шаҳар ИИББси Жиноят қидирув ва терроризмга, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси тезкор ходимлари, гиёванд моддаларнинг ноқонуний олди-сотдиси ва тарқатиш ишлари билан шуғулланиб юрган шахсларни аниқлаб, қўлга олиш мақсадида, барча туманларда махсус тезкор қидирув тадбирларини олиб боришди. Ушбу махсус тадбирда тезкор ходимлар томонидан Мирзо Улуғбек, Яккасарой, Сергели, Ҳамза, Бектемир, Юнусобод туманларида ноқонуний гиёванд моддалари, хусусан героин моддаси билан олди-сотди қилаётган муқаддам судланган шахслар аниқланиб, қўлга олинди.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази катта инспектори

Футбол

«ПАХТАКОР» — ЯККА ПЕШҚАДАМ

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ТУР БАҲСЛАРИ ЧЕМПИОН ЖАМОА «ПАХТАКОР»НИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАДИ.

Ўтказилган тўртта учрашувнинг биронтасида ҳам мағлубият аламини тотиб кўрмаган Непомняший шогирдлари Тошкентда "Тўпаланг" жамоасига қарши яна ажойиб ўйин ўтказишиб зарур ғалабани қўлга киритишди.

Рақиб дарвозаси томон уюштирилган шиддатли ва кескин ҳужумлар ўз самарасини берди. Учрашувда тўлиқ устунлик билан ҳаракат қилган пахтакорчилар 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини тўрт марта аниқ нишонга ола билишди ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни туҳфа этган ғолларни Солиев, Жепаров, Абдуллаев, Тожиевлар йўллашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал»-«Навбаҳор-Н» — 3:0, «Андижон»-«Локомотив» — 5:0, «Сўғдиёна»-«Шўртан» — 0:0, «Насаф»-«Трактор» — 2:0, «Қизилқум»-«Нефтчи» — 2:3, «Хоразм»-«Металлург» — 1:1, «Бухоро»-«Самарқанд-Динамо» — 4:0.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 6-тур учрашувлари 15, 16 апрелда бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6